

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

11.2020

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2020

уруглар ўртасида тузилган никоҳ келгусида ногирон, туғма етишмовчиликлари бўлган болаларни туғилишига сабаб бўлади.

Аҳоли соғлом турмуш тарзининг муҳим ташкил этувчи қисмларидан бири – юкори санитария маданиятини тарбиялаш давлат аҳамиятига моллик ишдир. Санитария маданиятини шаклантиришда етакчи ўринни гигиеник тарбиялаш ва ўқитиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси эгаллайди.

Фуқороларни гигиеник тарбиялаш ва ўқитиш куйидаги жараёнларда амалга оширилиши лозим:

- мактабгача ва бошқа таълим муассаларда тарбиялаш ва ўқитиш;
- иш фаолияти озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сувини ишлаб чиқариш, ташиб ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимларини гигиеник таёrlов ва аттестация ўтказиш, талабаларни тарбиялаш ва ўқитиш;
- ўқитиш дастурига гигиеник билимлар хақидаги бўлимларни киритиш йўли билан ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Гигиена масалалари, асосан, ҳаёт фаолияти хафсизлиги асослари, меҳнат, жисмоний тарбия, атроф-муҳит, биология (таълим муассасаларида), шунингдек, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги (касбий ўқитилувчи таълим муассасаларида) дарсларида ёритилади. Талабаларни гигиеник тарбиялаш “Ёш тибиётчи” тўғараклардаги машғулотлар, тиббий ходимлар билан сухбатлар, маърузалар ўтказиш, кино ва видеофильмларни томоша килишни ўз ичига камраб олган. Аммо ўқитиш ва тарбиялашнинг ўйинли ва мусобақали шакллари: викториналар, олимпиадалар, саҳналаштирилган томошалар, шоулар, санитария ахборотномалари, вақақалар чиқариш анчагина самаралироқ бўлади. Талабалар учун ўқитиш ва тарбиялашнинг энг яхши усули – анжуманлар, баҳс ва мунозаралар, давра столлари ташкил этилайди.

Соғлом турмуш тарзи тарғиботининг турли шакллари орасида телевидение ва бадиий фильмлар биринчи ўринда туради. Маърузалар ва сухбатлар энг сўнгти ўринларни эгаллайди. Талабалар аудиториясининг таснифини хисобга олган ҳолда телевидениеда (шу жумладан, кабелли телевидениеда) тайёрланган ўзатишнинг турли-туман шакллари, янги қизикарли жанрлар, руқнлар ушбу ахборот каналининг аҳамиятини ошириши мумкин.

Шундай килиб, соғлом турмуш тарзини шакллантириш-республикамиз соғликни саклаш тизминнинг бош йўналиши бўлган профилактик йўналишининг асосий мақсади хисобланади. Соғлом турмуш тарзи соғликни саклашнинг муҳим муаммоларидан бири бўлган юрак қон-томир, онкологик, айрим асаб, ошқозон-ичак, ўпканинг носпецифик касалликларини олдини олишда ва улар сабабли келиб чиқадиган ўлим холларини камайтиришда етакчи роль ўйнайди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хусусан, бирламчи профилактикани амалга ошириш, давлат, жамоат ташкилотлари тибиёт муассасалари ҳамда кўп жиҳатдан аҳолининг ўзига боғлиқ.

Бойматова Дилязода Бахтиёровна (ЖДПИ) АЁЛЛАР НУТҚИННИНГ БАДИЙ МАТИНДА ИФОДАЛАНИШИ

Аннотация. Уибу мақолада ўзбек аёллар нутқининг миллий-маданий ва pragmatik аспектда тадқиқ этишининг муҳимлиги баён этилади. Pragmatik ёндашувнинг нутқ эгаси, яъни аёлларнинг шахс хусусиятлари, мақсади, руҳий кечинмалари, ўзини ва бошқаларни баҳолаши кабиларнинг оғзаки нутқда намоён бўлиши, эркаклар нутқидан фарқли жиҳатлари, миллий-маданий этикет билан боғлиқлигига оид қарашлар илгари сурилади.

Аннотация. В статье излагается важность исследования речи узбекских женщин в национально-культурном и pragmatical аспекте. Речь идет об отражении в устной речи pragmaticalного подхода, то есть особенностей личности женщин, их цели, духовные переживания, самооценка и оценка других, о различиях в мужской и женской речи, связи с национально-культурным этикетом.

Annotation. The article is about analyzing national-cultural and pragmatic aspects of Uzbek women's speech. The owner of pragmatic approach, women's personal features, goals, spiritual and psychological views, self assessing and assessing others, the differences between men's speech and the connection between national-cultural etiquette is being gravitated in this article.

Калим сўзлар: бадиий матн, гендер ўзига хосликлар, ремаркалар, персонаж нутқи, нутқ субъекти, вербал ва новербал воситалар, этномаданий одат, ижебий ва салбий баҳо.

Ключевые слова: художественный текст, гендерные особенности, ремарки, персонажная речь, субъект речи, вербальные и невербальные средства, этнокультурные обычаи, положительные и негативные оценки.

Key words: literary texts, gender peculiarities, personage's speech, subject of a speech, verbal and nonverbal means, ethnocultural habit, positive and negative evaluation.

Хар қандай матннинг асосий вазифаси ахборот узатиш эканлиги маълум ҳодисадир. Шакли ва ҳажми жиҳатидан барча матнлар сингари, бадий матн ҳам хабар етказади, ахборотнинг турли кўринишлари ва шаклларида юзага келади. Жумладан, насрй матнда персонажлар нутки (вербал ва новербал шаклда) хис-туйғу билан, маълум ҳолат ва шароитлар билан, нуткий вазиятлар билан чамбарчас боғлик бўлиб, у матнда нуткий-ишоравий ҳолат сифатида талқин этилади ва тасвирий образ саналади.¹ Бу нуткий-ишоравий ҳолат образлар характер-хусусиятини очишида ёрдам беради, айни вақтда, гендерологик жиҳатдан фарқ қиласди.

Маълумки, аёллар нуткида учрайдиган айрим сўз ва иборалар эркаклар нуткида учрамайди ёки, аксинча, эркаклар оғзаки нуткига хос сўз ва иборалар аёллар нуткига мос тушмаслиги мумкин. Чунончи, аёллар нуткида алла айтиш, олкиш ва қарғиш иборалар ишлатилади, оғзаки нуткининг аёлларга хос ушбу кўринишлари насрй матнда ҳам ўз ифодасини топади: “*Тоза ухлабман-ку, менга нима бўлди?*” –*дея гудрангганча қасабасини бошига қўндириб, чопонини йўл-йўлакай елкасига итиб, ташқарига йўналди.*

Эшик олдига чиқди-ю, Собирни судраб келаётган Маматқулга кўзи тушиб, ҳуидан кетиб қолаёди.

– Собирни кўйиб юбор, жувонмарг! – деганча югуриб бориб Маматқулнинг қўлларига ёпишиди Бувгул эна. – Кўлингни торт. Билагини қаттиқ қисиб юбординг, жувонмарг... (З.Куролбой қизи. “Ёзис ўйл”).

Ушбу келтирилган матн парчасидаги кўчирма гап ўз таркибидаги муаллиф гапидан холи тарзда баён қилинганида ҳам фраза аёл нуткига тааллукли эканлиги кўринади: Собирни кўйиб юбор, жувонмарг!

Асар қаҳрамони Бувгул эна нуткидан айтилган “жувонмарг” сўзи факат салбий характерга хос қарғиш сўз бўлиб, “ёш ўлган, авжи етилган пайтда ҳалок, нобуд бўлган” деган маънода изоҳланади.² Мазкур сўз аксарият аёл нуткида учрайди. Юкорида тилга олинган матнда “қасаба” (касава) – бош кийим, яъни “узун докадан аёллар бошига баланд килиб ўраш учун кўйиладиган картон тутқин ва унга ўралган рўмол” бўлиб, Бувгул энанинг кишлоқда яшашини ўқувчилар англаб етишлари учун бу лексемани кўллаган.³ Қасаба кишлоқда яшовчи ёши улуғ аёллар ташки кийимининг муҳим бир қисми сифатида ҳозир ҳам ишлатилади. Муаллиф асар қаҳрамонларининг кийиниши, ҳолати, гапириш манераси, ҳатто ўзларини тасвирлашда миллий-маданий семали сўзлардан маҳорат билан фойдаланган.

Куйидаги матн парчасидаги нуткий-ишоравий ҳолатда она тилига хос бўлган фарзандига меҳр-муҳаббат болам боёқиши лексемаси орқали ўз аксини топган: – *Нега ишига бормадинг, деяман? Икки кундан бери уйда гумковиб ётганмиссан?*

– Икки кун деб, ким айтди сизга? Трактим бузилиб қолиб, тушда уйга қайтиб келдим-ку!

– Ҳаҳ, болам боёқиши, – Бувгул эна ўшишайиб эшик томонга қараб қўйди. – Ярим кун ишламаганингга кўзига балодай кўриниб қопсан-да (З.Куролбой қизи. “Ёзис ўйл”).

Бадий матн муаллифи асарнинг ҳаётий чиқиши ва китобхонларга манзур бўлиши учун персонажлар нуткининг жонли, таъсиричан ва ишонарли акс этишида имо-ишоралардан, маъно англатувчи турли гавда ҳаракатларидан, хиссиётни ифодаловчи турли мимик ҳолатлардан фойдаланади. Бу каби нуткий-ишоравий мулокот бадий матнда ремаркалар ёрдамида ҳам берилади:

– Сендан боладан кўнгил узолмаса керак-да, айланай, ўзим сендан, – меҳри товланиб ўглиниг бошини кўксига босди Бувгул эна.

– Нима қиласмиш энди, эна?

¹ З.М.Саидхонов. Бадий матн коммуникатив восита сифатида. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2009, 5-сон, 79-бет.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. II жилд, А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент, Ўзбекистон Миллый энциклопедияси давлат нашриёти, 2008, 110-бет.

³ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. V жилд, А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент, Ўзбекистон Миллый энциклопедияси давлат нашриёти, 2008, 256-бет.

— Сен нима десанг – шу!
Собир хурсанд бўлиб кетди. Онасини даст кўтариб чир айлантира бошлади.
— Ўзимнинг энажоним... Ягона меҳрибоним...
— Мени тушир ерга, сенга оғир нарса кўтариши мумкин эмас! – ялинди она (З.Куролбой қизи. “Ёзисиз ийл”).

Матндаги “айланай” лексемаси аёллар нутқига хос ижобий мазмундаги сўз бўлиб, “мақтov”, “олқиš” маъносидаги кўлланилади. Баъзи матнларда бу лексема киноя мазмунидаги ҳам кўлланилади: Дилдора бир лаҳзалик сукутдан кейин жавоб берди:

—Ҳа, эрим ўлганидан буён мендан ҳол сўровчилар кўпайиб қолди, айланай!

Кейин жишлоиди. Киноя ва кибр билан жишлоиди (З.Куролбой қизи. “Қўланка”). Матнда киноя мазмунидаги “айланай” лексемаси сўзловчининг истехзо, кесатик маъносидаги салбий муноса-батини ифодалаганлиги “кинояниг ижобий мазмунда бўлиши кам кузатилади”ган холат эканлиги билан характерланади.¹

Бадиий матн персонажлари характер-холатини очиб беришда уларнинг ички ва ташки нутки аҳамиятлидир. Бунда ишоралар ҳам муаллиф мақсадини ўкувчига етказиб берувчи кўмакчига айланади. М.Сайдхонов фикрича, “ишоралар хатти-ҳаракат бўлгани туфайли улар матнда феъллар орқали ифодаланараб экан, новербал воситаларнинг мазмунини ифодалаб берувчи миллӣ тилимизда мавжуд бўлган мос равишдаги лугавий бирликларни, сўз кўшимчаларини топиш, ўз маъносидаги ишлатиш ва услубий жиҳатдан тўғри кўллаш ёзувчидан катта масъулият ва меҳнат талааб этади”.² Бундай хурсандчилек биргина Бувгул энанинг кўнглига сигмасди. Айвон устунига суюниб, мунгайиб ўтирган она бир сўзни тақрорларди:

— Мен ёмон қолдим, сен яхши бор, болам...

Сўнг бирдан қаҳраниб, олов туркаётган осмонга тикиларкан, савдоийларча шивирларди:

— Одамни эрмак учун яратиб, уни эплай олмай қолганинедан кейин ўлимни ўйлаб топдингми?.. Оловинг мўл экан, нега шуни вақтида бермадинг?!? (З.Куролбой қизи. “Ёзисиз ийл”).

Асар қаҳрамони шу қадар қаттиқ изтиробга тушганки, ҳатто табиатни ҳам ўғлиниг ўлими учун айбдор санамоқда. Онанинг ҳолатини тасвиirlашда ишлатилган айвон устунига суюниб, мунгайиб ўтирган, қаҳраниб, савдоийларча шивирларди бирикмалари бир томондан ички ҳиссиёт ифодаси бўлса, иккинчи томондан, персонаж характеристидаги ахборот узатувчи индивидуал хусусиятлардир.

Ўзбек аёллари турмуш ўртоғининг исмини айтмасдан бош фарзандининг исми билан чакириши, “дадаси”, “бегим”, “хўжайин”, баъзида “ҳазратим” деб мурожаат қилиши, хурмат юзасидан “у киши”, “бу киши”, “улар” тарзида аташи аёлларимиз нутқининг “безаги” хисобланади. Бу эса этномаданий одатларимиз билан боғлиқ нутқ жараёнидир:

— Элчи бизни чорлагани рост, – деб, у Ойша бегимга умушийроқ жавоб қилди. – Аммо Султон Али мирзо таҳтни бизга осонликча бермас.

— Демак, яна уруши! Яна хавфу хатар!..

— Бегим, тогнинг боши қорсиз бўлmas, йигитнинг боши – хатарсиз.

— Ҳазратим боя ўргимчак тўридан гап очган эдилар. Агар сиз кетсангиз, ўргимчак тўрида биз қандай қолурмиз?

— Истасангиз сизни бирга олуб кетурмен!

— Жанг майдонигами? (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”).

Пик-тиқ ўиглаётган Моҳим бегим олдинги оғир сұхбатларни эслаб:

— Менинг ҳархашаларим ҳам сизни хаста қилди, ҳазратим! – деди. – Мени кечиринг!

— Моҳим сиз мени кечирсангиз бўлди... Мен сиздан розимен... фақат энді мени ҳазратим деманг... (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”).

Юртимиздаги айрим ҳудуд аёлларининг турмуш ўртоғига нисбатан ўзгача шаклдаги мурожатини учратамиз. Одатда, сўзловчи тингловчига нисбатан II шахс эгалик ва шахс-сон кўшимчаларидан фойдаланиб мурожаат этишиади. Қуйидаги матн парчасида эса мурожаатнинг ўзига хос жиҳатини кўришимиз мумкин:

— Нега дўхтир чақиримаяпсан? – деди чол қичқургудек.

¹ Боймирзаева С. Матнда киноя мазмунининг ифодаланиши. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2008, 4-сон, 110-бет.

² З.М.Сайдхонов. Бадиий матн коммуникатив восита сифатида. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2009, 5-сон, 77–80-бетлар.

— Отаси, ўзи айтмади-ку чақир деб.

— Айтмасам чақирмайсанми? Ўла қолса-ю қутула қолсам деб ўтирибсанми? Мен ўлмайман, билдингми, ўлмайман! —чол жазавага тушиб бақира бошлади.— Мен яшайман, кўп ўш яшайман! (З. Куролбой қизи. “О, ҳаёт!”).

Матндағи “отаси, ўзи айтмади-ку, чақир деб” гапи сўзловчининг иккинчи шахсга карата “Ўзингиз айтмадингиз-ку чақир деб” шаклидаги мурожаатини англатиб турибди. Ҳикоя қаҳрамони (Ойнисахон)нинг турмуш ўртоғи билан бу тарздаги мулоқоти миллатимиз аёллари нутқига хос кўринишларидан биридир.

Муаллиф аёл жинсига мансуб матнларда аёллар нутқига хос ифодалар жуда ёрқин ва ишонарли тарзда баён этилади. Чунки аёл муаллиф асар қаҳрамонлари эҳтиросларини, ҳис-туйғуларини ҳис қила олади:

— “Одамлар... ҳой биродарлар... эй, тугишганларим! Юрагимни очиб кўрсатайми? Меҳрдан ўзга нарса йўқ. Ёргу оламда сиздан ўзга яқиним йўқ” десам (С.Вафо. “Оворанинг кўрган-кечирганлари”).

Бадиий матнда ифодаланаётган мулоқот жараёнида аёл ва эркаклар нутқини фарқлаш кийин эмас, яъни улар нутқида кўлланилаётган лексемаларни киёсий таҳлил килиш жараённи осонлаштиради. Киёсий таҳлилда маълум жинс вакиллари нутқида ижобий ёки салбий баҳо муносабатлари намоён бўлади. С.Боймирзаеванинг таъкидича, “баҳо объектнинг аҳамиятли томони, кийматини белгилаш фаолияти жараёнидир. Ушбу жараён субъект томонидан бажарилиб, унинг асосида маълум бир намуна ётади ҳамда обьектга шу намуна доирасида ижобий ёки салбий сифат-баҳо берилади”.¹ Шахс нутқни хосил килишда унинг мазмунига эътиборни қараттган ҳолда ўзининг турли эмоцияларини ҳам билдиради. Ижобий мазмундаги сўзлар билан бир қаторда салбий баҳо ифодаловчи лексик бирликларнинг аёллар нутқида кўпроқ ишлатилиши жинс вакиласининг ҳис-туйғу ва ички кечинмасининг зоҳирий кўринишда намоён бўлиши билан характерланади: – *Ифлос... Сассиқ алкаш!* Уйда қозонга соглувлик ҳеч вақо йўғ-у, буни исқирт тақадек кекириб юргани-чи!.. *Илоим, еган-ичганинг ичинедан ириб тушисин!* Болам бор демасанг, хотиним бор демасанг! (З.Куролбой қизи. “Ёвузлик фаршиштаси”).

Бадиий асардан олинган мазкур парчада эр ва хотиннинг ўзаро келишмовчиликлари, асосан, аёл жинсига хос нутқда ифодаланганинги баҳо англатувчи лексемалар орқали билиб олишимиз кийин эмас. Сабаби, “ифлос”, “алкаш” сўзлари кўпроқ аёллар нутқига хос бўлиб, бу сўзлар салбий баҳо ифодаловчи сўзлар қаторига мансубdir. Бундан ташқари, аёл эркакни “исқирт тақа”га ўхшатиши ва “Илоим, еган-ичганинг ичинедан ириб тушисин” карғиши сўзи факат аёл нутқига хос эканлигидан далолат беради.

Аёллар нутқининг ўзига хослиги миллийлигимиз билан ҳам боғлиқ эканлигини бадиий матнлардан олинган яна кўплаб мисоллар ёрдамида кўриш мумкинки, гендер нутқнинг ўзига хослиги ўз ўрнида нутқ субъекти, унинг индивидуал услуби миллийлик билан омиҳта эканлигидан далолат беради.

Собирова Зарнигор (Бухоро Давлат университети стажёр-тадқиқотчиси, goginraz2015@gmail.com)

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ САЙЁХЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТАРЖИМАСИ ВА МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидағи сайёхлик терминларининг ўзаро таржимаси ва муаммолари ҳар томонлама ўрганилганлиги кўриб чиқылади. Уларнинг сайёхлик матнлари таркибида қўлланилишининг асосий мақсади функционал-чорловчилик вазифаси саналади ва буни тилларнинг фарқли имкониятларини мувофиқлаштирган ҳолда амалга ошириши зарурлиги ҳақида сўз боради.

Аннотация. В статье рассматривается комплексное изучение проблем взаимного перевода туристских терминов на английский и узбекский языки. Основной целью их применения в структуре туристских текстов является функционально-риторическая функция, речь идет о необходимости делать это в координации с различными возможностями языков.

Annotation. The article deals with the complex study of the problems of mutual translation of tourist terms into English and Uzbek. The main purpose of their application in the structure of tourist texts is

¹Боймирзаева С. Матн модаллиги. Тошкент, “Фан”, 2010, 21-бет.

Ширинова Наргиза Джабаровна. Курсантларга инглиз тилини ўргатишида замонавий педагогик технологияларнинг аҳамияти.....	86
G'olibova Nargiza Ziyoxonovna. Maktablarda fizika fanining o'qitilishi va metodikasi.....	89
Умарходжаева Хилола Сирохицдинова, Ходжимуродова Малика Валиевна. Обучение фразовым глаголам с использованием коммуникативной компетенции.....	92
Закирова Умида. Сущность и взаимосвязь основных понятий педагогических ценностей.....	94
Хасанов Озод Ибрагимович, Сапорбоев Мирзабек Шавкат угли, Абдулаева Зулфия Палванизаровна. Валеологические аспекты здорового образа жизни студенческой молодежи.....	99
Allayarova Guzal Nuritdinova. Managing Language and Intercultural Dimensions in Teaching a Foreign Language.....	103
Ganieva Saodat. The Role of Video Materials in EFL Classrooms.....	106
Iskanova Nasiba Parmonovna, Kodirova Dilrabo Shamsiddinovna, Gulchiroy Boboqulova Jamshid qizi. Developing Art of Intercultural Facilitation and Exploring Cultural Communication in Teaching, Learning a Foreign Language.....	109

ILMIY AXBOROT

Нишонов Патхиддин Пайзибоевич, Рузметов Хамид Каландарович. Француз ва ўзбек тилларида юридик тил масалалари.....	113
Йигиталиев Умиджон Саминович. Ижодий тафаккурнинг лингвокогнитив тавсифи.....	116
Хошимова Дилдора Мадаминовна, Шодмонова Сайёра Бахрамовна. "Бобурнома" матнидаги ўлчов бирликларининг прагматик хусусиятлари.....	119
Турсунова Гулчехра Норбобоеvна. Инсоннинг интеллектуал кобилиятларини билдирувчи инглиз ва ўзбек фразеологик бирликларининг семантик ва функционал хусусиятлари.....	122
Сайдқодирова Дилфуза Сайдқодировна. Интернет терминларини ўрганишнинг самарали усуудлари.....	126
Ширинова Нилюфар Джаббаровна. Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият маъноларининг морфологик фарқланиши.....	131
Исламов Ўткуржон Хосилжонович. Нутқ маданияти ва уни таъминлайдиган омиллар.....	134
Эшмуродов Абдуваҳоб Муратқасимович. "Холдорхон" достонида кўлланган ономастик бирликлар ҳақида.....	140
Равшанова Раъно Ҳандамовна. Институционал мулоқот модели.....	144
Худайберганов Самаидар Қозиевич. Хоразм достон ва ҳалфачиллик йўлларини мактаб ўкувчиларига ўргатиш жараённада эстетик тарбиянинг педагогик-психологик имкониятлари.....	148
Қаландарова Мавлуда. Нафс – дард, ишқ – даво.....	151
Xo'janiyazova Shoxnoza Satimboyevna. Alisher Navoiyning manoqib asarlarida qo'llanilgan ijtimoiy-siyosiy istilohlar xususida.....	154
Хидирова Мунаввара Рустамовна. Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар" романидаги ватанпарварлик ғояси.....	158
Jurayeva Zulayxo Shamshidinova, Nishonova Shahnoza Muhammadjonovna, Abdunazarova Nilufar Yorqin qizi. Madaniyatga oid so'zlarni tarjima qilish.....	161
Шербоева Нодира. "Кашмир кўшиғи" янгича талқинда.....	164
Kazakov Bahram Allayarovich, Askar Reimbayevich Tabinboyev. Organizmning o'sishi va rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillar.....	167
Турсунова Нигора Анварона. Талабаларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш.....	170
Бойматова Дилноза Бахтиёрновна. Аёллар нутқининг бадиий матнда ифодаланиши.....	175
Собирова Зарнигор. Инглиз ва ўзбек тилларидаги сайдехлик терминларининг ўзаро таржимаси ва муаммолари.....	178
Холдарова Индира Абдукаримовна. Исследование школьной травли анализ статистических данных.....	181
Меликова Мартаба. Исламские ценности в духовном наследии Алишера Навои.....	184
Khadjieva Dilbar, Saymanova Ayzada. Peculiarities of Antithesis in English and Karakalpak Poetry.....	187
Gulyamova Ozodahon Shavkatovna. Phraseological Aspects of the Problem of Different Word Compatibility in Russian, English and Uzbek Languages.....	191
Yakubov Fazliddin Utaganovich, Norquziyeva Iroda Furqatovna. Linguistic Principle in the Theory of Translation in Views of German Linguists.....	194